

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мажбуриятининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланшини талаб қилишга ҳақлиқдир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлиқдир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан аксептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарим ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлиқдир.